

Бир юз ўн учинчи боб — Исо шафқатсиз қаршиликка дуч келди

Эски Аҳд саҳифаларида Раббимиз Исо Масиҳнинг келажакдаги ҳаёти ва хизматидан дарак берувчи жуда қўп гўзал башоратлар мавжуд. Ишаё 53:3 да Унинг ер юзидаги фаолияти давомида инсоният томонидан қандай кутиб олиншини тасвирлайдиган шундай оғриқли сурат чизилган: «У одамлар томонидан назарга олинмади ва рад этилди, аламлар чекувчи ва ғаму изтиробга таниш бир Инсон бўлди».

Муқаддас Хушхабар китобларини ўқир эканман, Исо ҳаётининг илк даврлариданоқ шиддатли қаршиликларга дуч келганига гувоҳ бўламан. У ҳали бир неча ойлик чақалоқ эканида, Буюк Ҳирод Байтлаҳмдаги барча ўғил болаларни кириб ташлашга фармон бериб, Уни ўлдиришга уринган эди. Унинг бутун хизмат йўли тинимсиз қаршиликлар билан кечди. Уни хуш кўрмаган кимсалар сўзларидан айб топиб, тузоққа туширишга ҳаракат қилишди. Шаббат (дам олиш) кунда касалларга шифо бергани учун Мусо қонунини бузди, деб ҳақоратлашди.

Бироқ Унинг ер юзидаги ҳаётининг сўнгги ҳафтасида бу қаршиликлар янада шафқатсиз тус олди. Энг аянчлиси шундаки, Унга қарши чиққанлар ва нафрат билан ҳужум қилганлар айнан дин пешволари — эътиқодли ҳисобланган кишилар эди.

Исо Ўзига қарши чиққанларнинг асл ниятини жуда яхши англагани Матто баён этган Хушхабарнинг 26-боб, 1–5-оятларида қуйидагича баён этилган:

Исо бу гапларни айтиб бўлгач, шогирдларига шундай деди:² “Икки кундан кейин Фисиҳ зиёфати бўлишини биласизлар. Ана ўшанда Инсон Ўғлига хоинлик қилишади, Уни хочга михлашади.”

³ Бу пайтда бош руҳонийлар ва халқ йўлбошчилари Каяфас исмли олий руҳонийнинг саройида йиғилган эдилар.⁴ Улар Исони ҳийла билан тутиб, ўлдириш учун фитна ўйлаб топдилар.⁵ Аммо улар: “Биз бу ишни байрам кунлари қилмаслигимиз керак, акс ҳолда, халқ ғалаён кўтариши мумкин”, дедилар.

Ушбу илоҳий матнда можоро ва қаршиликлар янада кескин тус олганини кўрсатувчи бир нечта **босқич** кўзга ташланади.

Қаршилик ҳақидаги башорат

Исо бу хабарни Ўзига энг яқин бўлган инсонларга, яъни шогирдларига айтган эди. Эҳтимол, оломон аллақачон тарқалиб кетганди. У шогирдларини яқин кунларда ҳаммалари дуч келадиган оғир синовлардан огоҳлантириш учун сўзлади. Исо Зайтун тоғида, Қуддус шаҳрига қараб ўтирганча, уларга келажак воқеалари ҳақида батафсил гапириб бераётган эди.

Сўнг Исо Ўзига қарши кутилмаган қаршилик ва азоблар ҳақида аниқ башорат қилди. У вақтни жуда аниқ кўрсатиб: «Яна икки кундан сўнг Фисиҳ байрами бошланади», деди. Фисиҳ — Миср қуллигидан халос бўлинган кун хотираси сифатида Исроилликлар ҳаётида, Мисрдан чиқиш давридан тортиб Исо давригача ўта муҳим ва муқаддас байрам ҳисобланарди. Ҳатто бугунги кунда ҳам Худога эътиқод қилмайдиган яҳудийлар ҳам ушбу кунни нишонлашади. Исо айтишга байрам кунларида Инсон Ўғли хочга михланиш учун топширилишини олдиндан айтди.

Исо томонидан айтилган бирор-бир башорат йўқки, у амалга ошмаган бўлса. У айтган ҳар бир сўз рўёбга чиққан ёки келгусида албатта рўёбга чиқади. Бу ерда У Инсон Ўғлининг хочга михланиши учун душманлар қўлига топширилишини аниқ башорат қилмоқда. У нима учун келганини, хоч чекишини ва хочга михланишини жуда яхши биларди ва бу ҳақда аввал ҳам шогирдларига бир неча бор айтганди. Бу сафар эса У Ўзига қарши уюштирилдиган сўнгги ҳужум ва фитна ҳақида охириги марта башорат қилди.

Қаршиликнинг мудҳиш мақсади

Азалий қаршиликнинг асл нияти тўпланган диний раҳбарлар томонидан аниқ намоён этилди. Муқаддас Хушхабар уларнинг кимлигини очиқ айтади: олий руҳонийлар, уламолар ва халқ оқсоқоллари. Улар олий руҳоний Каяфаснинг саройига йиғилишган эди. Шунини аниқ англаб олишингизни истардимки, улар сиёсатчилар ёки мамлакат ҳукмдорлари эмас, балки дин аҳли, ибодатхона пешволари эди.

Уларнинг асл мақсади Матто баён этган Хушхабарда очиқ-ошикор ёзилган: «Улар Исони ҳийланайранг билан тутиб олиш ва ўлдириш учун ўзаро тил бириктиришди». Уларнинг режаси ва тузоғи мана шу эди. Улар буни найранг, яъни фитна билан амалга оширмоқчи бўлишди. Авваллари ҳам Раббимизни сўзларидан тутишга, Унга ҳар хил саволлар бериб тузоққа туширишга жуда кўп уринишганди. Улар Исони бирор йўл билан жиловлаб олиш учун тинимсиз тузоқ қўйишарди.

Бироқ энди улар янада аламзада ва қабоҳатга тўла эдилар, улар аниқ бир суиқасдни кўзлашганди. Матнда айнан қандай ҳийла экани айтилмаган бўлса-да, ҳар қандай разиллик билан бўлса ҳам Уни тутиб олиш ва сўнг ўлдириш уларнинг асосий мақсади эди. Улар Исога ортиқ тоқат қила олишмасди, чунки Унинг таълимоти уларнинг мунофиқлигини очиқ ташлар, одамларнинг Исога бўлган самимий эътиқоди ва меҳри уларни қаттиқ ташвишга солар эди. Шу сабабли, улар бу вазиятдан чиқишнинг ягона йўлини Уни йўқ қилишда, яъни ўлдиришда деб билишди. Бу — душманликнинг асл мақсади эди.

Қаршиликнинг пухта ўйланган режаси

Қарши чиққанлар бу ишни қандай амалга оширишни жуда пухта ўйлаб чиқишди. Энг аввало, улар: «Байрам кунларида буни қилмайлик», дейишди. Бу — Фисих байрамига тегишли эди, чунки байрамга жуда оз вақт қолганди. Исо шогирдларига унинг бошланишига бор-уоғи икки кун қолганини айтган эди. Фисих ўта муқаддас кун эди. Бу байрамда ҳар бир яҳудий эрқаги Қуддусдаги маъбадга келиб, Эга Худонинг олдида ҳозир бўлиши, асрлар илгари Миср қуллигидан халос бўлингани хотирасига қурбонликлар келтириши шарт эди.

Фитначилар бу байрам кунларида суиқасд уюштирмасликка қарор қилишди, чунки бутун юртдан Қуддусга минглаб одамлар оқиб келарди ва улар халқ ўртасида ғаловур ва тўполон чиқишини исташмасди. Улар халқ Исони Носирадан чиққан улуг пайғамбар деб билишини яхши англашарди. Одамлар Исонинг Қуддусга улугвор кириб келишида Уни қандай кутиб олишганини кўришганди.

Улар ғаловур ёки исён чиқиб кетишидан жуда қўрқишди, шунинг учун тинчликни бузадиган ҳеч бир нарса содир бўлишини хоҳлашмасди. Улар Фисихни муқаддас кун деб билишса-да, энг муҳими — халқ Исони юксак қадрлашини ва Унга эргашишини ўйлаб, ҳамма нарса ўзлари учун хавфсиз ўтиши, режалари чипакка чиқмаслиги учун ўта эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишга уринишди.

Ушбу шафқатсиз қаршиликнинг кучайиб бораётганини кўрар эканмиз, Исо Ўзини олдинда нималар кутаётганини жуда яхши билганини англаймиз. У шогирдларига хочга михланиш учун топширилишини очиқ айтган эди. Шу билан бирга, Унга қарши чиққан кимсалар ўзларининг аслида нима қилаётганларини ва қандай буюк гуноҳга қўл ураётганларини англамай бу режани тузишганини кўрамиз. Шунини тушуниш жуда муҳимки, Тангри Таоло Унга қарши чиққан нияти бузуқ инсонларнинг хатти-ҳаракатлари орқали ҳам Ўз илоҳий ва олий мақсадларини рўёбга чиқаришга қодирдир.

Азиз дўстим, сиз фақат Унга ишонинг ва таваккал қилинг. Раббимиз Исо Масих бу дунёга ягона ва аниқ бир мақсад билан келган. У Ўзининг фидокорона ва гуноҳларни ювувчи қурбонлиги орқали бизнинг нажотимизни мукаммал даражада адо этди. Илоҳим, ҳеч биримиз Илоҳий Ҳақиқатга қарши чикувчилар қаторида бўлиб қолмайлик.